

HALIMA AHMEDOVA'S POETRY IS IMPORTANT ARTISTIC PROPERTIES

Marhabo Kuchkarova,

doctor of philological sciences

Uzbek Academy of Sciences Uzbek language, literature and folklore

Leading researcher of the Institute

In the new Uzbek poetry, women have a special place. In particular, it is necessary to remember the poetry of the talented and painful poet Halima Akhmedova and her originality. The poet entered the field of literature in the 80s of the last century. To this day, the poet's works include "The Language of My Eyes", "The Window of Freedom", "Pearl of the Night", "Tiyramoh", "Magic", "Shadow of Hope", "Worship of Dawn", "The Qibla of Nigoh", "Shadow of Yasuman Gul", "Green" ", " Tashbeh "has been published in dozens of collections of poetry and prose

ҲАЛИМА АҲМЕДОВА ШЕЪРИЯТИНИНГ МУҲИМ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Марҳабо Қўчқорова,

филология фанлари доктори

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор

Институти етакчи илмий ходими

Янги ўзбек шеъриятида аёл ижодкорларнинг алоҳида ўрни бор. Хусусан, бу сирада истеъоддли ва дардли шоира Ҳалима Аҳмедова шеърияти ҳамда унинг ўзига хос оригиналликлари ҳақида эсламоқ даркор. Шоира ўтган асрнинг 80-йилларида адабиёт майдонига кириб келди. Шоиранинг шу кунга қадар “Кўзимнинг тили”, “Эрк даричаси”, “Тунги марварид гуллар”, “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси” “Шафақ ибодати”, “Нигоҳ қибласи”, “Ёсуман гулининг сояси”, “Яшил”, “Ташбех” сингари ўнлаб шеърий, насрый асарлар тўплами чоп этилган. Ҳалима Аҳмедованинг инжа шеърияти Н.Рахимжонов, А.Улуғов, Г.Эрназарова каби кўплаб адабиётшунослар ва тадқиқотчиларнинг дикқатини ўзига жалб этди¹. Хусусан, адабиётшунос Н.Рахимжонов шоира шеъриятида ранглар метафорасини теран англаған ҳолда “Яшил” китобига ёзган сўзбошисида шундай ёзади: “Ҳалима Аҳмедова лирикасида ранглар (яшил, оқ, пушти, сарик, мовий, қора ва ҳ.зо), дов-дараҳтлар, кушлар, майса-ўсимликлар, тупроқ, шабода рамзи асарлари бадииятининг муҳим хусусиятларидан бири. Шу маънода ёлғиз яшил рангининг мазмун қирраларини кўздан кечириш кифоя. Китобнинг номи ҳам “Яшил” дея аталиши бежиз эмас. У шоиранинг дунёкараши билан боғлиқ ҳолда олам ва одамни, воқеликни, жамият ҳодисаларини бадиий идрок ва ифода қилишдаги фалсафий-эстетик принципларидан воқиф этади”². Дарҳақиқат, олим жуда тўғри эътироф этганидек, Ҳалима Аҳмедова шеъриятида турли ранглар, табиат ва унга хос турфа ҳодисалар, ижтимоий-маиший ҳаётга хос лавҳалар, шоиранинг таржимаи ҳолига доир биографик деталлар, ҳиссий кечинмалар, бошдан ўтказилган кўпдан-кўп кайфиятлар ва руҳоний манзаралар ниҳоятда нуктадонлик билан акс эттирилади. Айниқса, шоира шеъриятида “Яшил” ранг алоҳида ўринга эга. Хусусан, шоира “Яшил” номли шеърида “Яшил хаёл кенгликлари”, “Яшил жилға”, лирик қаҳрамон “ям-яшил”, “Яшил кун”, “Яшил соғинч”, “Ҳақиқатнинг ранги ям-яшил...”, “Аввал ва охирни тўлдирад яшил”, “Яшил кўйлак”, “Яшил бокар тонг”, “Раббимнинг нигоҳлари яшил” каби поэтик бирикмаларни ишлатиш орқали

¹ Раҳимжонов Н. Бадиий қашфиётлар тонги / Аҳмедова Ҳ. Яшил. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – Б. 3-15; Улуғов А. Тухфа / Ёсуман гулининг сояси. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 3-6; Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг медитатив табиати. – Тошкент: “Qamar-media” нашриёти, 2020. – Б. 191-196.

² Раҳимжонов Н. Бадиий қашфиётлар тонги / Аҳмедова Ҳ. Яшил. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – Б. 11.

“Яшил” рангига жуда катта фалсафий-рамзий маъно юклайди. Шоира бу шеърда “Яшил” ранг билан боғлиқ жами ўнта метафорик образли тасвир орқали алал оқибат “Яшил” ранг тимсолида Оллоҳнинг яратувчанлик қудратини мефоралаштиради. Зеро, тадқиқотчи Г.Эрназарова ҳам шоира шеъриятида катта ўрин тутган “Яшил” рангнинг ўрни бекиёслигини ўрганиб, шундай илмий-назарий холосага келади: “Ҳалима Аҳмедова шеъриятига бағишилаб ёзилган аксар мақолалар, тадқиқотлар, жумладан, “Яшил” китобига ёзилган сўзбошида ҳам яшил ранг ҳаётни севиш, реал ҳаёт манзаралари тарзида тушунилади. Бизнингча, шоира шеърларидаги яшиллик фақат ҳаёт рамзи эмас, балки Аллоҳнинг яратиш қудратини англаш ва англатиш воситаси ҳамdir. Шунинг боис ҳам яшил ранг Ҳ.Аҳмедова шеъриятида бир бутун поэтик метафора даражасига кўтарила олган. Кундалик кўриб турганимиз табиат ҳодисаларининг медитатив бадиий талқинига айланган”¹. Олима Ҳалима Аҳмедова шеъриятида яшил рангнинг поэтик метафора даражасига кўтарилиб, яшил ранг фақатгина “ҳаёт рамзи” бўлиб қолмай, балки, бу ранг илохий қудрат рамзи даражасига чиққанини алоҳида ажратиб кўрсатади.

Мазкур тўпламга кирган бошқа шеърларда “Яшил” рангнинг янги, серқатлам бадиий-эстетик кирралари намоён бўлган. Масалан, “Ялпизнинг хаёли ям-яшил” (“Боғларнинг юраги гуллаган” шеърида), “Ҳакқа етар бу дуонинг яшил қаноти” (“Тинчлик” шеърида), “Яшамоқ – баҳордай яшил” (“Янги йил умиди” шеърида), “Ва қолинг ям-яшил орзудай хушбахт” (“Ҳали вақт бор...” шеърида), “Фақат қалбим эди ям-яшил дарё”, “Яшил эди нигоҳларим жуда ҳам яшил” (“Барглар сипқоради осмон кўнглини” шеърида), “Ишқдай яшил эди”, “Ям-яшил нафаслар тафтида” (“Юрагим шамолга ўйинчоқ...” шеърида), “Биламан у кунлар яшилдир” (“Бир куни соатни алдайман” шеърида), “Хаввонинг ям-яшил томирларида” (“Ўзимга мактуб” шеърида), “Юпатиб тўлдирдим ям-яшил хисга”, “Мен боққан кўзгуда яшилдир олам” (“Туркум” шеърида), “Ям-яшил ифорлар келмоқда қайдан?”, “Йўқлик ва борлиқнинг яшил овози” (“Ям-яшил ифорлар келмоқда қайдан? шеърида”), “Яшилланиб кулсин оқсуяқ баҳор” (“Осмон мовийланар” шеърида), “Хаёлимнинг яшил кўйлакларини” (“Истак” шеърида) ва ҳ.зо. Кузатилаётгандек, шоира шеъриятида яшил ранг Тириклиқ, Эзгулик, Гўзаллик, Илоҳийлик рамзи ўлароқ поэтиклиштирилган. Шоира дунёни ва Яратувчини (Оллоҳ)ни яшил рангда кўради. Ҳатто хиссиётлари оқимини ҳам айнан шу ям-яшил ранг билан боғлайди.

Ҳалима Аҳмедова шеъриятида Шамол, Осмон, Қизалоқ, Майса, Дунё, Эскибуруш, Қуёш, Шаббода, Тупроқ, Ер, Соғинч, Ҳаёт, Қуш, Нозбўй, Дараҳт каби хилма-хил поэтик образлар учрайди. Шоира лирикасини энг чўнг ва улуғ туйғулар бу – Оллоҳга шукроналик ва Тангрининг борлигига ҳамду санолар шаклида ёзилган қўнгил изҳорлари ташкил қиласди. Унинг шеъриятида дунёвий муҳаббат билан илохий муҳаббат талқини бирлашиб кетади. Лирик қаҳрамон ўзини излаш орқали Оллоҳни излайди, Оллоҳга ҳамдлар ёғдиради, унга тавба-тазарру қиласди ва Яратгандан шафоат тилайди. Ҳалима Аҳмедованинг илохий муҳаббат билан суғорилган шеърият намуналарида Бедил ижодига хос фалсафийлик, Алишер Навоий ижодига хос ишқнинг икки тури (ишқи мажоз ва ишқи илохий), Машраб ижодига хос дарвешона рух, Махтумқули ижодига хос ҳалқоналик ва жайдарилик унсурлари ёрқин кўринади. Жумладан, шоиранинг “Туркум” шеърида банд охирида “Сен борсан...” деб тақрорланувчи сатр замирига ҳам ишқи илохий, ҳам мажозий ишқ (дунёвий муҳаббат) бадиий талқини сингдириб юборилганини англаш мумкин. Зеро, ушбу шеър қуидаги банд билан якунланади:

*Тушкун Ҳалимани енгдим сен билан,
Мен ҳозир ошиққа ўхшайман кўпроқ.
Сен борсан, ишқ ҳаққи ибодат учун
Ҳазонлар шошилиб солар жойнамоз.
Учиб кетаётган қуилар кўксидан
Кўксимга қуилар сен берган овоз.
Сен борсан...²*

Шоира шеъриятида Оллоҳ соғинчи, Тангрига мурожаат, тавба-тазарру мотивлари муҳим йўналишни ташкил қиласди. Жумладан, шоиранинг “Бошим айланади...” шеърида ҳам шу руҳий ҳолат

¹ Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг медитатив табиати. – Тошкент: “Qamar-media” нашриёти, 2020. – Б. 192.

² Аҳмедова Ҳ. Туркум / Яшил. – Тошкент: O’zbekiston, 2016. – Б. 70.

ва кайфиятни кузатиш мумкин:
*Кўзларимда маъюс шивирлар согинч.
 Биламан, бу сенинг нафис шивиринг,
 Мани ёлғонлардан этувчи айро
 Ва ҳислар тўлқинин мавжслантирувчи.
 Биламан, бу сенинг согинчинг, Худо...¹*

Ҳалима Аҳмедованинг мана шундай оҳангда ёзилган шеърлари моҳияти ҳақида адабиётшунос Н.Рахимжонов шундай фикр билдиради: “Ҳалима Аҳмедова талқинига кўра инсон комилликка муҳтож. Маънан такомилга ҳамиша ташна. Ҳақ ишқи банда табиатидаги кемтиклар ўрнида маънавият чечакларини кўкартиради; ахлоқий қадриятлар (ишонч, меҳр, муҳаббат, оқибат, эътиқод ва ҳ.к.) деб аталган меваларни ундиради.

Шоири ҳақиқатнинг буюк тимсолини талқин қиласкан, илоҳийлик ирода эрки, рух эркинлиги билан тулаш, боғлиқ ҳолда англашилади”².

“Истак” шеърида лирик қаҳрамон хаёлларини “яшил кўйлак”да тасаввур этади. Демак, яшил ранг шоиранинг эстетик идеалларини ўзида мужассам этган илоҳий куч-кудратга эга тимсол даражасига кўтарилиган.

Ҳалима Аҳмедова ҳаётий воқеаларни ҳам шеърий мисраларга тамсил сифатида киритиб, бу воқеага рамзий маънода поэтик образли ифодалар топа биладиган оригинал ижодкор. Масалан, “Истак” шеърида ҳар куни кўча-кўйда кўрадиган “букри аёл” ҳақида ёзар экан, унга контраст тарзда “кўнгли букри” одамларни танқид остига олади. Шеърда шоиранинг киноявий-истехзоли нигоҳи орқали елкасида букриси бор, кўнгли тоза аёл эмас, кўнгли кир, ёлғончи, мунофиқ кимсалар сарказм қилинади. Жумладан:

*Ҳар куни кўраман, бир букри аёл
 Хижсолатли боқар худди айбордордай.
 Қийналиб кетади буқрисин ҳар гал,
 Одамлар кўзидан ҳеч яшира олмай...³*

Айнан шу букри аёлга контраст тарзда “букри кўнгилли”ларни шоира шундай истехзо қиласди:
*Қарайман ёлғоннинг шарбатин ишиб,
 Ўтаркан бенаво фасллар, ишлар.
 Дўст ниқобин кийиб хижолат чекмай,
 Атирофимда яшар букри кўнгиллар⁴.*

Шоира лирикасида мумтоз анъаналарни янгилашга интилиш ва уларга эргашиш кузатилади. Масалан, шоира мумтоз ғазал жанри шаклида “Дард бердинг бошимдан товонимгача” номли шеър ёзди. Бу ғазал етти байтдан ташкил топган, ғазал жанри анъанасига кўра, энг сўнгти байтда шоира ўзининг исмини Тахаллус (Ҳалима) сифатида киритган. Бу ғазал ҳам лирик қаҳрамоннинг Оллоҳга мурожаати билан якунланади:

*Раббим, раҳм қилдинг, Ҳалима бўлдим,
 Не баҳтки, яшиидан ёмонимгача⁵.*

Шоиранинг жуда кўп шеърларида унинг таржимаи ҳоли (таржимаи ҳол деганда фақат унинг туғилиб ўсган жойи ва оиласи эмас), аникроғи шоир бўлиб туғилишининг, унинг руҳиятида шоирларга хос дарвешлик, саркашлиқ пайдо бўлиш лаҳзалари ҳам талқин қилинади. Жумладан, Ҳалима Аҳмедованинг “Таржимаи ҳол” шеърида худди шу ҳолат ва кайфиятни англаш мумкин:

*Ёшим эллик учда,
 Ҳануз ақлим кирмаган,
 Аммо кўнглимни ҳеч хафа қилмайман.*

¹ Аҳмедова Ҳ. Бошим айланади / Яшил. – Тошкент: O’zbekiston, 2016. – Б. 99.

² Рахимжонов Н. Бадиий қашфиётлар тонги / Аҳмедова Ҳ. Яшил. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – Б. 9.

³ Аҳмедова Ҳ. Истак / Яшил. – Тошкент: O’zbekiston, 2016. – Б. 135.

⁴ Аҳмедова Ҳ. Истак / Яшил. – Тошкент: O’zbekiston, 2016. – Б. 135.

⁵ Аҳмедова Ҳ. Дард бердинг бошимдан товонимгача / Яшил. – Тошкент: O’zbekiston, 2016. – Б. 132.

Ёзаман гафлатда қолганда дунё –
(Шоирманми, йўқми уни билмайман...)

Тугилганман

Бухоронинг томиридан сув ичган жойда,
Мезоннинг чиройли тонготарида.
Зуҳра юлдузи кўз узмаган мендан,
Ва исмимни тилаб олган ишқ дафтарида.
Хазонларнинг шивирлаши,
Бевақт гуллаган ёввойи гулларнинг энтикишилари
Кўшилган исмимнинг таронасига.
Мен тугилган кунда қисматим эса

*Руҳимни бериб юборган
Мажнун занжирининг афсонасига¹.*

Шоира туғилишиданоқ унинг руҳи Мажнун каби ишқ дардига мубтало бўлганини ёзғиради. Шу ўринда шоиранинг таржимаи ҳолига, унинг ўзидан олган ҳужжатларга эътибор қаратамиз.

Ҳалима Аҳмедова Раҳматовна 1960 йилнинг 1 октябрида Бухоро вилоятининг (Хозирги Навоий вилоятининг) Қизилтепа тумани Пўлоти қишлоғида туғилган. Онаси Ҳамроева Бахшанда (1941-1997) уй бекаси бўлган. Отаси Аҳмедов Раҳмат (1941-2016) Самарқанд университетини ўқиб, З курсда ўқишни ташлаб келган, шеърлар ҳам ёзган. Маданиятли, рус тилини жуда яхши билган. Шоффёр бўлган. Шоира оиласи ва ота-онаси ҳақида шундай эслайди: “Мен 1960 йилнинг кузида дунёга келганман. Раҳматли онамнинг айтишича, туғилган кунимда ёмғир тинмай ёқсан экан, бу ҳам нимагадир ишора деб ўйлайман баъзан. Уч-тўрт ёшларимда, яъни эсимни таниб – танимай ёдимда қолгани: дадам рубоб чаларди, най чаларди, қишининг қаҳратон тунларида уйимизга қўшниларимиз йиғилиб келишарди ва дадамга «Чўли ироқ»ни чалиб беришини сўрашарди. Дадам найни чалиб, ҳаммани йиғлатарди. Гарчи ҳеч нарсани тушунмасам-да куйнинг тирноқлари юрагимни тирнар, мен ҳам ҳиқиллаб йиғлай бошлардим. Онам уйнинг садоқатли бекаси эди. У нон ёпаётганда бирар чиройли бўларди. Дадамнинг касби гарчи ҳайдовчилик бўлса-да қишлоқда неки тадбир бўлса унинг маслаҳатисиз ўтмасди. Онам тежамкор, дадам қўли очиқ эди. Куни зўрға ўтадиган қишлоқдошларга доимо моддий ёрдам берарди. У ишдан бўш пайтларда бофимизга ўн, ўн беш кути асалари боқар, катта товуқхона қуриб юздан ошиқ жўжаларни келтириб, бизга уларни парваришларни ўргатарди. Бутун қишлоғимизни асал ва тухум билан таъминларди. Ростини айтсам, меҳнатга муҳаббатни, бардошни дадамдан ўрганганман. Дадамнинг зиёли акаси – амакимнинг уйида катта кутубхонаси бўларди. ҳар куни қочиб ўша ерга борардим. Мени бу кутубхона расмли китоблар оҳанграбоси билан ўзига тортарди. Азбаройи китоб ўқишига бўлган муҳаббатим туфайли чираниб-чираниб ҳижжалаб ўқишини ва ёзишни ўрганиб олдим. Гарчи мактабга расман 1968 йилда борган бўлсам-да, унгача қўни-қўшниларнинг болаларига эргашиб, онамнинг ҳай-ҳайларишию, дадамнинг пўписаларини енгиб ҳар куни мактабга борардим. Ўқитувчилар «сени ёшинг етмайди», деб синф хонасидан чиқариб қўйишганда уйгача йиғлаб келардим. Мактабга ёшим етгунга қадар анча эртак ва достонларни ўқиб чиқканман. Қолаверса ҳовлимиз деворига осилган ёзин-қишин тинмай гапирадиган радио ҳам менга кайсиdir маънода устозлик қилган. Оқшом эртакларини тинглаб ўзга дунёга сайр қилардим, тинглаган эртакларим туфайли китобга меҳрим ортар, тезроқ ёшим ва ўқишини ўрганишга ошиқардим. Гарчи ўқишлиаримнинг ярми пахтазорлар ичida қолиб кетган бўлса-да, дарсларни асло қолдирмас эдим. Илк шеъримни ҳам 5-синфда ўқиётган пайтимда ёзганман, кейин эса узлуксиз ёза бошладим. Аммо улар шеър эмас эди, назаримда ҳис қилганимни эмас балки кўрган-билганимни ғўрларча қоғозга туширадим. Шунга қарамай туман, вилоят ҳатто республика газеталарида ҳам босилган эди у шеърлар”.

Ҳалима Аҳмедова 1978-йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тутатиб, Ўзбекистон миллӣ университети (ӯша пайтдаги Тошкент Давлат университети)нинг филология факултетига ўқишига қабул қилинади. Университет ва талабалик йиллари бўлажак шоира учун жуда катта мактаб йиллари

¹ Аҳмедова Ҳ. Таржимаи ҳол / Яшил. – Тошкент: O’zbekiston, 2016. – Б. 137.

бўлди. Шоира 1983 йилда университетни қизил диплом билан тутгатади. Шундан сўнг, Ҳалима Аҳмедова Кармана шаҳридаги хотин-қизлар педагогика билим юртига ўқитувчилик лавозимига ишга тайинланади. Ижодкорнинг айтишича, ўқувчиларга таълим бериш, жажжи болажонлар қалбига “Адабиёт” фанидан эзгулик уруғларини экиш, унинг ўзига ҳам олам-олам завқ бағишлийди. Шу бугунги кунда ҳам Ҳалима Аҳмедова ўқитувчилик касби билан шуғулланади. Шоира икки йил давомида ўқитувчилик билан шуғулланар экан, кўп нарсаларни ўрганади. Аммо шоирлик, ижодкорлик жунуни уни тинч қўймас эди. Шунинг учун, шоир бўлмоқни истаган ёш аёл энди юрагидаги гоҳо ғамгин, гоҳо шодон туйғуларни шеърга солиб, қофозга тушира бошлайди. Аввалига муаллиф эссе-мақолалар, сўнгра шеърлар ёза бошлайди. Шоира шеър ишқида, ижод ишқида ёниб, қораламаларини вилоят газетасига юборади, ёш шоиранинг шеърлари ҳам таҳририятдан қайтмасдан, улар чоп этила бошлайди. Энди шоира Карманадаги иш жойи, ишлаб турган маскани кўнглида тошаётган ҳисларга торлик қилаётганини ҳис қиласди. Шундай кунларнинг бирида уни вилоят газетасига ишга таклиф қилишди. Шоира қанот чиқариб, редакцияга учиб етиб боради, ахир у ерда ижод мухити бор эди. Аввал қишлоқ хўжалик бўлмилигига ишга қўйишади. Унга бўрдоқчилик ҳақида мақола ёзиш вазифаси юкланди. Шоира соддалик қилиб: “Эркак сигирлар хусусида бўлиши керакми мақола” - деган саволи учун ҳам маломатга, ҳам кулгуга қолади. Бу ерда узоқ ишлай олмайди. Чунки, бу соҳа адабиётдан том маънода узоқ бир соҳа эди.

Шу йўсинда Ҳалима Аҳмедова маданият бўлмилигига ишга ўтказилади. Бу бўлим ижодкор отланган йўлнинг дебочаси бўлди. Энди завқ билан ёза бошлайди. Муаллифнинг ҳар бир мақоласи эътироф этила бошлайди. Бу орада муаллифнинг туркум шеърлари республика, газета ва журналларида чоп этила бошлади. Она қишлоқ, сўлим далалар ишқи, шоиранинг бутун жисмини чўлғаб олган бўлса-да, унинг руҳи янада кўркам кенгликларга талпинади. Ҳалима Аҳмедова пойтахтга – Тошкентга ижод қилиш иштиёқи билан келади. Шундай қилиб, шоира 1986 йилда тақдир тақазоси билан Тошкентга келади ваFaфур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида кичик мухаррир лавозимида ишлай бошлади. Ўша пайтда бўлим раҳбари шоир Шавкат Раҳмон эди. Бу ерда Абдували Кутбиддин, Мухаммад Юсуф ва Минҳожиддин Ҳайдарлар фаолият кўрсатарди. Ана шундай катта шахслар ва ижодкорлар қозонида Ҳалима Аҳмедова ҳам қайнаб пишади. Кейинчалик ана гўзал ижодий жамоа ҳақида шундай ёзган эди: “Ростини айтсан мана шу бўлмилигинг тегирмонида тасаввурларим янгиланди. Сўзнинг илоҳийлигини чуқурроқ тушундим ва юрагимда чайқалаётган исмсиз дарёning тўлқинини ҳис қилиб ёза бошладим”. 1986 йилнинг охириларида Ҳалима Аҳмедованинг мўъжазгина «Кўзимнинг тили», яна бир йил сўнгра, 1987 йилда «Тунги марварид гуллар» номли китоблари чоп этилади.

Ҳалима Аҳмедова 1988-1989 йилларда Москвадаги Олий Адабиёт курсида таҳсил олади. Ўша даврда Ҳалима Аҳмедова шеъриятига янги силсидалар, кенгликлар кириб келди. Аммо бирлаҳза бўлсада, шоира Ҳазрат Навоийдан, Бобуру Машраб ижодидан узоқлашмайди. 1990 йилда таҳсилни тутатиб, Москвадан қайтгач маълум муддат Ёзувчилар уюшмаси қошидаги тарғибот марказида ишлайди. 1995 йилдан бошлаб, у «Тонг юлдузи» газетасига фаолият юрита бошлайди. Болаларнинг соғ дунёсини яхши кўрган шоира учун бу ижодий масканда ишлаш ва қалам тебратиш унинг учун кўпда қийинчилик туғдирмайди. Болалар дунёсига кириш унга хузур бағишлиарди. Муаллиф ижодий фантазиясиясига эрк берib, газетада янги-янги рубрикалар ташкил қиласди. Болаларга яқин бўлиш катталар қалбини тозартиришини муаллиф айнан шу ерда ишлаб, теран англаб етади. Бу ҳақда кейинчалик шу мсканда кечган ижодий фаолиятини эслаб, шоира шундай ёзган эди: “Мен бу газетадан жуда миннатдорман. Чунки у ҳаётга соғ нигоҳ билан қарашни ўргатди”.

1996 йилда шоиранинг галдаги яна бир китоби «Эрк даричаси» нашрдан чиқади. 1997 йилда Ҳалима Аҳмедовани Ўзбекистон радиосига ишга таклиф этишади. Аввалига, шоира бу таклифдан бирор чўчийди. Лекин радиоэшиттишларни яхши кўриши сабабли барча ҳадикларни енгиб, ишга шўнғиб кетади. Ўзбекистон радио каналида ишлаш масъулияти ижодкор елкасига анча катта юк ташлайди. Бу ижодий жамоада ишлаши ҳақида шоира шундай дейди: “Уриндим, тиришдим, тунлари ухламай эшиттишлар ёзишни машқ қилдим. Бир йил деганда, киришиб кетдим. Гарчи бу ерда адабиёт бўлмилидаги ишлашни кўзлаётган бўлсамда бўш ўрин йўқлиги сабабли мусиқий эшиттишлар бўлмилигига қабул қилишди. Мен учун мусиқа, кўшик, ашула анча қийинроқ мавзу эди. Шунга қарамай

эпладим деб ўйлайман. Биринчи қилган ишим, менга берилган эски эшиттиришлардан кечиб янги муаллифлик «Юлдузларни уйғотар оҳанг», «таронадан-тароналарга», «созлар тилга кирганды» каби эшиттиришларни ташкил қилдим. Ҳар бир эшиттиришимдан ўзим куч олардим. Жонли эфир ташкил қилишимиз керак, деган таклиф билан ўша пайтдаги бош мухарримиз Замира Миролимовага кирдим. Шу йўсинда 3 соат давом этадиган «жавоҳир» номли жонли эфир дунёга келди. Бу лойиҳани тўғридан тўғри эфирга узатардик. Кейинроқ «Нафис мажлислар», «Мақом мақомати», «Тунги дилдош», «Тарона ва замона», «Куйлаш иштиёқи», «Латиф сұхбатлар», «Авж сурури» «Наволарда сўз жарангি» каби таҳлилий эшиттиришларга муаллифлик қилдим. Янги эшиттиришларга ойлаб ном изладим, хуллас мақсадимга эришдим. Гуруч курмаксиз бўлмайди деганлариdek фақат гонорар ишлаш учун келадиган, фикрлари тошдай қотиб қолган, мухлисга ҳеч нарса бера олмайдиган журналистларимиз ҳам бор афсусуки, бундан жуда жаҳлим чиқади. Ҳар бир эшиттиришда завқдан ташқари тингловчига янги бир гап айта олмасак бу эшиттиришнинг кераги ҳам йўқ деб ўйлайман. Хуллас радио наинки кўнглимни, балки бутун ҳаётимни ўзига оҳанграбодек тортади. 20 йилдан зиёд вактдан буён у билан биргаман”.

Радиода ишлаш билан бирга шоира шеър ёзишни ҳам асло канда қилмайди. Муаллифнинг 2000 йиллар теграсида қатор китоблари чоп этилади. Жумладан, «Тийрамоҳ» (2005), «Афсан» (2006), «Умид сояси» (2008), «Нигоҳ қибласи» (2011), «Шафақ ибодати», «Ёсуман гулининг сояси» (2013), «Яшил» (2016), «Ташбех» (2018) номли шеърий ва насрый тўпламлари чоп этилади. Радио ижодкор ҳаётини янгилайди, шунинг учун бўлса керак, уни бошқа жойларга ишга таклиф қилишганида ҳам уларни рад этади. Ҳалима Аҳмедова ўз ижодини радиосиз айро тасаввур эта олмайди. Ҳалима Аҳмедова радиоэшиттиришлари ортидан кўплаб мухлислар орттириди.

Хулоса қилиб айтганда, Янги ўзбек шеъриятида инжа қалб шоира Ҳалима Аҳмедованинг алоҳида ўрни бор. Ҳалима Аҳмедова лирикасига хос мухим бадиий хусусиятларни, поэтик янгиланишларни, хусусан, ранглар поэтикаси ва бадииятини ўрганиш бугунги адабиётшунослигимизнинг мухим вазифаларидан бири деб ҳисоблаймиз.